

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ЭЛЁР АЛЛАЯРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЗОТИЛЖАМ АСОРАТЛАРИНИНГ НУР
ТАШХИСОТИГА МУЛЬТИМОДАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедов Элёр Аллаярович

Болаларда зотилжам асоратларининг нур ташхисотига
мультимодал ёндашув.....

3

Ахмедов Элёр Аллаярович

Мультимодальный подход к лучевой диагностике
осложненных пневмоний у детей

27

Akhmedov Elyor Allayarovich

Multimodal approach to radiation diagnostics of complicated
pneumonia in children.....

52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

56

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ЭЛЁР АЛЛАЯРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЗОТИЛЖАМ АСОРАТЛАРИНИНГ НУР
ТАШХИСОТИГА МУЛЬТИМОДАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1371 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупалиева Гулнора Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ходжибеков Марат Худайкулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джураева Нигора Мухсумовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.)

Диссертация автореферати 2022 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болалар орасида ўлимнинг асосий сабабларидан бири зотилжам ва унинг асоратлари ҳисобланади. Рентгенологик усуллар болаларда ўпка касалликларини ташхислашда етакчи ҳисобланади. Пневмония ташхисотида олтин стандарт тушунчаси мавжуд бўлиб, у рентгенограммаларда ўзгаришларни аниқлашни ўз ичига олади. Рентгенологик усул зотилжам ташхисотида ҳамон асосий ўринни эгалламоқда, бироқ, қатор камчиликлардан мустасно эмас, улардан асосийси нур юкламасидир. ЖССТ кўрсатмаларига кўра болаларда «...ионлаштирувчи нурланиш билан боғлиқ ташхис усуллари қатъиян кўрсатмаларга асосан ўтказилиши лозим. Ҳозирги вақтда асоратланган зотилжамнинг эрта ва қиёсий ташхисотида комплекс нур ташхисоти текширув усуллари тажрибаси келтирилмаган. Зотилжам асоратлари ташхисотида уларни қўллаш имкониятлари тўғрисида яқка ишларда маълумотлар бор, аммо комплекс қўллаш тўғрисида маълумот етарли эмаслиги хасталикни ташхислашдаги нуқсонларнинг мавжудлигидан далолат беради...»¹, бироқ, болаларда зотилжам асоратларида мультимодал нур ташхисоти аҳамиятини баҳолаш бўйича ишлар олиб борилмаган. Шу билан бирга, сўнгги йилларда асоратланган зотилжам ташхисоти, давоси ва мониторингидаги ютуқларга мультимодал текширувлар туфайли эришилди, чунки визуализация усуллариининг ҳар бири афзалликлар билан бирга маълум бир камчиликларга эга, шу сабабдан зотилжам асоратларини ташхислашда нур диагностика усуллариининг фойдаланиш замонавий тиббий радиологиянинг долзарб муамоларидан биридир.

Жаҳонда болаларда зотилжам асоратларининг нур ташхисотига мультимодал ёндошувнинг оптимал вариантларини таъминлаш борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада комплекс эхография ва магнит-резонанс томографияни қўллаш йўли билан болаларда ўпка ва плевранинг меъёрий нур анатомияси, ўпка, плеврал ва ўпка-плеврал асоратларининг рақамли рентгенологик, комплекс эхографик, магнит-резонанс томографик ва мультиспирал компьютер томография семиотикасини, ўпка, плеврал ва ўпка-плеврал асоратларини аниқлашда рақамли рентгенологик, комплекс эхография, магнит резонанс томография, ва мультиспирал компьютер томография текширувларининг ташхислаш информативлигини асослашга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат

¹Васильев А.Ю., Ольхова Е.Б. Основы ультразвуковой диагностики в педиатрии и детской хирургии, Москва, 2018 г.

кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда болаларда зотилжам асоратларининг нур ташхисотига мултимодал ёндашувни такомиллаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун дунёда болаларда касалланиш ва ўлим сабаблари ичида зотилжам ва унинг асоратлари муҳим сабабдир. Ҳар йили бутун дунёда ушбу касаллик 150,7 миллион болаларда қайд қилиниб, улардан 7-13% госпитализацияга муҳтож (Konietzke P., Mueller J., Wuennemann F., et al., 2020). Зотилжам туфайли ўлим 95% ҳолларда ривожланувчи давлатларда учрагани билан оғир зотилжам билан касалланиш юқори даромадли мамлакатларда ҳам кузатилиб, асоратланган ўпка инфекцияси туфайли касалхонага ётқизилган болалар сони ошмоқда (Rudan I, Tomaskovic L, Boschi-Pinto C, Campbell H., 2018). Ўпка абсцесси бўлган беморларнинг 80-90%да антибиотиклар билан даволаш етарли бўлганига қарамай, баъзи беморларга консерватив даво ёрдам бермайди, бунда эрта дренажлаш ва жарроҳлик аралашуви кутқарув усули бўлади (Wali S.O., 2015). Замонавий тавсияларга кўра, шифохонага ётқизилган болаларда, кўкрак қафаси рақамли рентгенографияси одатада визуализациянинг

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

бирламчи усули ҳисобланади. Зотижам касаллигини кечувини мониторинг ўтказишда ўпкани ультратовуш текшируви эканлигини, замонавий маълумотлар таъкидлайди (Chavez M, Shams Javani N, E Ellington L, Naithani N, H Gilman R, Steinhoff M, et al., 2017). Болаларда зотилжам асоратларини мунтазам текширишда компьютер томография (КТ), унга нисбатан юқори нурланиш юкламаси бўлганлиги туфайли қўлланилмайди, аммо мутахассислар келишувига кўра паренхима зарарланиши, абсцесс шаклланишининг босқичи ва жарроҳлик аралашуви ҳажмини аниқлашда КТдан фойдаланишни маслаҳат берадилар (Islam S, Calkins CM, Goldin AB, Chen C, Downard CD, Huang EY, et al., 2015). КТ нинг ноионлаштирувчи нурланишсиз муқобил усули бўлиб магнит-резонанс томография (МРТ) ҳисобланади (Yikilmaz A, Kos A, Coskun A, Ozturk MK, Mulkern RV, Lee EY., 2014). Болаларда кўкрак қафасининг МРТ ни ўтказиш осон иш эмас. Ўпка ва нафас йўллари нинг юқори аниқликда сканерлаш, узоқ вақт давомида кўриш, ўпкада паст протон зичлиги ва уларнинг ҳаракати туфайли қийиндир. Муайян чекловларга қарамай, МРТ педиатрия амалиётида КТ дан муҳим афзалликларга эга, бу унинг янада ривожланиши ва клиник қўлланилишини оқлайди. Ионлаштирувчи нурланишнинг йўқлиги болаларда зотилжам асоратлари учун хавфсиз текширишни амалга оширишга имкон беради ва МРТ нинг информацион қиймати болаларда зотилжам асоратлари, ўпка абсцессини аниқлашда рақамли рентгенография кўрсаткичларидан юқоридир, аммо ҳозирда МРТ ни қўллаш бўйича тадқиқотлар чекланган (Pierluigi Ciet, Harm A. W. M. Tiddens, Piotr A. Wielopolski, Jim M. Wild et al., 2015).

Мамлакатимизда болаларда зотилжам касаллигини инструментал ва клиник ташхислаш орқали самарали даволаш тизими ташкиллаштириш ва беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда (Икрамов А.И., Фозилов А.А., Ходжибеков М.Х., Юсупалиева Г.А., 2020) бироқ, болаларда зотилжам асоратларининг нур ташхисотиига мультимодал ёндошувнинг оптимал вариантлари очиб берилмаган.

Илмий изланишнинг устувор йўналиши бўлиб, болаларда зотилжам асоратларини турли клиник шакллари ташхислашда рақамли рентгенография, комплекс эхография, МРТ (паст ва юқори майдонли) ва МСКТ каби тиббий визуализациянинг комплекс усуллари ёрдамида мультимодал ёндашув сифатида қўлланилишини илмий асослашдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муссасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 03.191 №01980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган (2018-2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади беморларни комплекс текширув тизимида замонавий нур текширув усуллари қўллаган ҳолда болаларда зотилжам асоратлари ташхисотини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

комплекс эхография ва магнит-резонанс томографияни қўллаш йўли билан болаларда ўпка ва плевранинг меъёрий нур анатомиясини баҳолаш;

болаларда зотилжамнинг ўпка, плеврал ва ўпка-плеврал асоратларининг рақамли рентгенологик, комплекс эхографик, МР-томографик, ва МСКТ семиотикасини баҳолаш;

болаларда зотилжамнинг ўпка, плеврал ва ўпка-плеврал асоратларини аниқлашда рақамли рентгенологик, комплекс эхография, МРТ, ва МСКТ текширувларининг ташхислаш информативлигини баҳолаш;

болаларда зотилжамнинг ўпка, плеврал ва ўпка-плеврал асоратларининг комплекс ташхисоти тизимида (рақамли рентгенография, комплекс эхография, МРТ, ва МСКТ) замонавий нур текширув усуллариининг ўрни ва аҳамиятини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 2015-2020 йилларда текширув ва даволанишдан ўтган 3 ойликдан 18 ёшгача бўлган 204 та бола бўлиб, улардан 154 таси зотилжамнинг ўпка ва плеврал асоратлари билан, ҳамда ўпка томонидан патологияси бўлмаган 50 та бола (назорат гуруҳи) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида зотилжам асоратлари билан хасталанган 154 нафар болаларда комплекс эхография, рақамли рентгенография, МРТ ва МСКТ текширувларини ўз ичига олган нур ташхисотини турли усуллари натижаларининг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, инструментал (ультратовуш ташхисоти, рақамли рентгенография, магнит-резонанс томография, мультиспирал компьютер томография) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда зотилжам асоратларининг нур ташхисотида илк маротаба визуализациянинг қуйидаги кетма-кетликдаги: рақамли рентгенография, комплекс эхография, магнит-резонанс томография (паст ва юқори майдонли) ва мультиспирал компьютер томография усуллариини комплекс қўллаш йўли билан мультимодал ёндашув тизимининг ўрни асосланди;

болаларда зотилжам асоратларини эрта ташхислаш мақсадида биринчи марта рақамли рентгенография, комплекс эхография, магнит резонанс томография ва мультиспирал компьютер томография каби турли нур текширув усуллариининг ташхисот самарадорлиги кўрсаткичларини қиёсий таҳлили ишботланди;

болаларда асоратланган зотилжамни аниқлашда рақамли рентгенография базавий усул бўлиши кераклиги, бунда ўпкалар, плеврал бўшлиқларнинг патологик ўзгаришларини баҳолаш ва даволаш самарадорлигининг мониторингида аэробронхофония билан комплекс эхографияни қўллаш афзаллиги ишботланди;

болаларда қўлланилиш имкониятлари чекланган магнит-резонанс томография усули ва юқори нурланишга эга бўлган мультиспирал компьютер томография усули зотилжамнинг ўпка, плеврал ва ўпка-плеврал

асоратларининг гумонли рентгенологик ҳамда ультратовуш белгилари бўлганда қатъий кўрсатмалар бўйича ўтказилиши лозимлиги асосланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

зотилжам асоратлари бўлган болаларда нур семиотикаси аниқланди;

болаларда зотилжам асоратларининг эрта ташхисоти зотилжам асоратларининг шакллариға боғлиқ ҳолда ташхисотнинг ҳар бир усулини самарадорлиги ва ўрнини баҳолаш йўли билан яхшиланган;

болаларда зотилжам асоратларида нур ташхисоти усулларини қўллаш ва тизимлаштиришнинг оптимал алгоритми ишлаб чиқилган;

зотилжам асоратлари бўлган болаларда мультимодал нур текширув усули ташхисот алгоритмини ишлаб чиқиш даволаш-соғломлаштириш чоратadbирларини танлашга ёрдам берган;

болаларда асоратланган зотилжам ташхисотига мультимодал ёндашув такомиллаштирилди ҳамда ушбу патологияни аниқлашнинг ташхис алгоритми таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги болаларда зотилжам асоратлари ташхисотида илмий тадқиқотда асосланган назарий ёндашув ва усулларни, услубий тўғри ўтказилган текширишларни қўллаш, етарли миқдордаги материаллар, етарли миқдорда беморлар бўлиши, нур ташхисотининг замонавийлиги, қўлланиладиган усуллар, нур текширув усуллари специфик тартибини ишлаб чиқиш, бир-бирини тўлдирувчи рентгенологик, эхографик, МРТ ва МСКТ усуллари чет эллик ва маҳаллий тадқиқотларнинг тасдиқланган натижалари, хулосалари билан солиштирилди ҳамда натижалар ваколатли тизим томонидан тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий қиймати зотилжам асоратлари бўлган болаларда нур ташхисотининг ўзига хос томонларини ўрганишда салмоқли ҳисса қўшишидир. Болаларда зотилжам асоратлариға шубҳа қилинганда визуализация усулларини қўллаш стратегияси аниқланди. Олинган натижалар радиология мутахассислиги бўйича талабалар, магистрлар ва клиник ординаторларни ўқитиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Зотилжам асорати бўлган болаларда ташхисот ва мониторингининг тақдим этилган алгоритми, ушбу касалликни даволашга кўмаклашишда визуализация усулларини қўллаш, ташхисотни рационал ташкил этиш ва оптимизациялашга олиб келиши ишнинг амалий қиймати ҳисобланади. Олиб борилган текширувлар болаларда зотилжам асоратларининг ташхисот масалаларини ечиш ва ўрганиш, кечувининг ўзига хос томонларини баҳолаш, даволаш ва асоратларининг оқибатларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшади. Статистик-математик ҳисоб-китоблар асосида нур текширув усулларини қўллаш орқали ташхисот мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан тушунтирилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда зотилжам асоратларининг нур ташхисотига мультимодал ёндашувни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турли вирус ва бактериал чакирувчилар ёрдамида юзага келадиган болалардаги зотилжам касаллигини нур ташхисотида ташхислаш натижасида юза келадиган асоратларни эрта ташхислаш натижасида «Зотилжам асоратлари бўлган болаларда нур ташхисотида мультимодал ёндашув» номли услубий тавсиялари ишлаб чиқилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 02 ноябрдаги 8н-р/303-сон хулосаси). Таклиф этилган тавсиялар болаларда зотилжам асоратларини нур текширув усулларида асосланиб ишончли ташхисот ўтказишга имкон берди;

Болаларда зотилжам асоратларининг нур ташхисотида мультимодал ёндашув тизимини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Бухоро ва Сирдарё вилоятларнинг болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари нур ташхисоти бўлимларининг диагностик ташхислаш амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/214-сон хулосаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши нур текширув усуллари етарли ҳажмини танлаш, беморга нурланиш юкласини пасайтириш, ташхис жараёнининг аниқлиги ва самарадорлигини оширишга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Болаларда асоратланган зотилжам ташхисотининг долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи бобида болаларда зотилжам асоратларининг ташхисоти бўйича адабиёт манбалари шарҳланган. Болаларда зотилжам асоратларининг эпидемиологияси, этиологияси, комплекс нур

ташхисоти тўғрисида маълумотлар келтирилган. Мавжуд маълумотлар таҳлил қилинди ва тўпланган билимларда баъзи бўшлиқлар аниқланди.

Диссертациянинг «**Клиник материал тавсифи ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг болалар жарроҳлиги (йирингли) 3-бўлимида 2015 - 2020 йилларда зотилжам асоратлари билан даволанган 154 нафар болада қўлланилган текширув усуллари ва клиник тавсифлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Беморлар ёши 3 ойдан 18 ёшгача бўлиб, улардан қиз болалар - 76 (49,4%), ўғил болалар - 78 (50,6%), 1:1,02 нисбатни ташкил этди.

Диаграмма 1

Зотилжам асоратлари билан касалланган болаларнинг жинс ва ёшга кўра тақсимланиши



Зотилжам асоратларини ташхис қилишда ва шаклларини аниқлашда барча беморларга умумклиник, лаборатор, бактериологик ва инструментал (кўкрак қафаси аъзолари рақамли рентгенографияси, плевра бўшлиғи ва ўпка УТТ, МРТ, МСКТ) текширув усуллари ўтказилди (1-жадвалга қаралсин).

1-жадвал

Зотилжам асоратлари бўлган болаларда бажарилган нур текширув усуллари (n=154)

Текширув усуллари	Кўкрак қафаси аъзолари рақамли рентгенографияси	Плевра бўшлиғи ва ўпка УТТ	Кўкрак қафаси аъзолари МРТ	Кўкрак қафаси аъзолари МСКТ
Беморлар сони	154	154	50	51
%	100,0	100,0	32,5	33,1

Беморларни йирингли жарроҳлик бўлимига ўтказиш вақти 3-14 кунни ташкил этди. Якуний ташхис қўйиш учун барча болаларда клиник-лаборатор, бактериологик ва нур (рақамли рентгенография, комплекс эхография, МРТ ва МСКТ) текширув усуллари, шунингдек, кўрсатмаларга мувофиқ жарроҳлик аралашувлар ўтказилди. ЎЗ асорати бўлган ҳар бир ёш

гуруҳидаги болаларнинг ўЗ билан зарарланиш (ўпка ичи, плеврал ва ўпка-плеврал) шаклига кўра тақсимланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ўткир зотилжам асорати бўлган болаларни ёш ва зарарланиш шаклига кўра тақсимланиши (n=154)

Зарарланиш шакли Ёш	Ўпка ичи асоратлари (n=78)				Плеврал асоратлари (n=35)				Ўпка-плевра асоратлари (n=41)			
	Ўпка диструкцияси		Ўпка абсцесси		Экссудатив плеврит		Пиоторакс, плевра эмпиемаси		Пиопневмоторакс		Пневмоторакс	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
3 ойдан 12 ойгача	2	2,6	-	-	1	1,3	-	-	-	-	1	1,3
1-3 ёш	22	28,2	-	-	12	15,8	6	7,9	6	7,9	4	5,3
4-7 ёш	13	16,7	5	6,4	4	5,3	2	2,6	12	15,8	4	5,3
8-14 ёш	27	34,6	4	5,1	5	6,6	1	1,3	8	10,5	2	2,6
15-18 ёш	5	6,4	-		4	5,3	-	-	2	2,6	2	2,6
Жами	69	88,5	9	11,5	26	34,3	9	11,8	28	36,8	13	17,1

Ташхис қўйилгандан сўнг ташхисни аниқлаштиришга ёрдам берувчи куйидаги жарроҳлик аралашувлари: бронхоскопия - 111 (72,1%) болага, трансторакал пункцион биопсия - 45 (48,7%) болага ўтказилди.

Текширув усуллари. Асосий гуруҳдаги беморларга (154 та бола), клиник-лаборатор текширувлардан ташқари, кўкрак қафаси аъзоларининг олд ва кўрсатмага кўра ён проекциядаги рентгенологик текшируви ўтказилди. Даволашдан олдин ва кейин УТТ ўтказилди. Рентгенологик ва динамик ультратовуш текширувидан ташқари, кўрсатма бўйича кўкрак қафаси аъзолари МСКТ ва МРТ, бронхоскопия, кейинчалик экссудатни бактериологик текширувини ўтказиш билан трансторакал пункцион биопсия ўтказилди.

Нур текширув усуллари.

Кўкрак қафаси аъзолари рақамли рентгенографияси 154 нафар беморда «Shimadzu» (Япония) аппаратида тик турган, ўтирган ва ётган ҳолатда ўтказилди. Зотилжамнинг ўпка асоратларига шубҳа бўлган болаларда нур текширувининг асосий ва бирламчи усули рақамли рентгенография усули бўлди. Рентгенограммлар албатта икки проекцияда – тўғри ва ён проекцияларда бажарилди. Ён проекциядаги тасвир зарарланган томондан олинди. Рентгенограммалар таҳлилида боланинг ҳолати, укладканинг тўғрилиги ва тасвирга олишнинг техник шартларига риоя қилиш, ўпка майдонлари ҳаволилиги, кўкрак қафаси ҳажми ортиши ва кичрайиши, ўпка тасвири ўзгариши (унинг кучайиши, камайиши, ортиши ва деформацияси), қорайиш соҳасининг мавжудлиги, характери ва топографияси, кўкс оралиғи аъзолари ўлчами, шакли ва ҳолати, диафрагма

гумбазларининг жойлашиши ва симметриклиги, синуслар тиниклиги, кўкрак қафаси юмшоқ тўқималари ва суяк структуралари ҳолати баҳоланди.

Ультратовуш текшируви (УТТ) Sonoscape 5000 (Хитой), Sonoscape S 22 (Хитой) ва Aplio 500 (Япония) аппаратларида беморни полипозицияли ҳолатларда, вертикал (тик турган ҳолатда ва катта ёшдаги болаларда ўтирган ҳолда) ва горизонтал (чалқанча, ўнг ва чап ёнда, қоринга ётган ҳолатда) олиб борилди. Кўкрак қафасини текшириш икки йўл: трансоракал (қовурғалар орасидан) ва трансабдоминал (қоринпарда, жигар ва талок) орқали амалга оширилди. Бола ёши, патологик ўчоқ ўлчамлари ва чуқурлигига боғлиқ равишда ўпкаларни текшириш учун 3,5 дан 7,5 МГцгача частотали чизиқли, секторли ва конвексли датчиклардан фойдаланилди.

Магнит-резонанс томография (МРТ) 50 та болага ўтказилди. Текширувлар Neusoft 0,35Т компаниясининг Super star аппарати ва юқори майдонли Brivo 355W 1,5Т аппаратида ўтказилди.

3-жадвал

0,35 Т ва 1,5 Т бўлган МРТ аппаратларида кўкрак қафаси аъзоларини текширишда қўлланилган мувозанат МР текширувлари баённомаси

Кўрсаткичлар	T1	T2	STIR
Respiratory control	Free breathing (insp./bh)	Free breathing (insp./bh)	Free breathing
Slice orientation	Cor/ax	ax	Cor/tra
Phase encoding	R>L, A>P	A>P	A>P
FOV (mm)	450	450	400
Matrix (FE/PE)	320/256	448/256	320/256
Slice thickness	6	6	6
Spacing	3	3	3
TR (ms)	437,2	437,2	3500
TE (ms)	1,16	1,16	106
Flip-angle (°)	80	80	150

МРТ икки стандарт текисликда (саггитал ва аксиал текисликларда) «спинэхо» (SE), «градиент эхо» (GE), «вариабел эхо» (VE) импульсли кетма-кетликлар (ИК)ни қўллаган ҳолда T1 ВИ ва T2 ВИ режимларда серияли тасвирларни олиш орқали бажарилди. МРТ T1 ва T2 режимда релаксация вақтига кўра тўқималарни фарқлаш имконини берди. Ўртача 4-5 сония нафасни ушлаб туриб эркин нафас ёрдамида T2 коранар ва аксиал кесимда, shorttau инверсия, T1 - ёғли прекоонтраст тўйинганлик каби уч кесимда олиниб, бунда кесимлар қалинлиги ўрта ҳолда 6 ммни ташкил этади.

Neusoft 0,35Т компаниясининг Super Star аппаратида МРТда нафас ҳаракатлари артефактлари бўлмаслиги учун «нафасни ушлаб туриш» махсус техникаси қўлланилди. Текширув вақти ўртача 20 дақиқани ташкил этди (3-жадвалга қаранг).

Мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ). Болаларда кўкрак қафаси МСКТ си Siemens фирмасинининг 64-кесимли «Somatom Perspective»

томографида амалга оширилди. Кўкрак қафасининг компьютер томографияси бели билан ётган болаларда амалга оширилди ва кесимлар олинди. Хамда нафасни ушлаб туриш усули (кичик ёшдаги болалар бундан истисно) ёрдамида кўкрак қафасининг кириш қисмидан то диафрагмагача соҳалар тасвирга олинди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар клиник-лаборатор маълумотлар, рақамли рентгенография, УТТ, МРТ, МСКТни ўз ичига олган комплекс текширув асосида ташхис қўйиш имконини берди.

Усулларнинг ташхис аҳамиятини баҳолаш сезгирлик, спецификлик ва умумий аниқликни қуйидаги формулалар бўйича аниқлаш йўли билан олиб борилди:

Сезгирлик (Se)= $\frac{ХИ}{ХИ+ЁС}$; Спецификлик (Sp): $\frac{ХС}{ХС+ЁИ}$;

Умумий аниқлик (Acc): $\frac{ХИ+ХС}{ХИ+ХС+ЁИ+ЁС}$

Бунда: ХИ – ҳақиқий ижобий натижа, ЁС – ёлғон салбий натижа; ХС – ҳақиқий салбий натижа; ЁИ – ёлғон ижобий натижа.

Диссертациянинг «Болаларда зотилжамнинг ўпка ва плевра асоратларида ўпка тўқимасининг зарарланишини баҳолашда нур текширув усуллари имкониятлари» номли учинчи бобида зотилжамнинг ўпка ва плеврал асоратлари бўлган 154 та беморнинг илмий тадқиқот натижалари келтирилган.

Деструктив зотилжам бўлган болаларда ўпка тўқимаси ўзгаришларининг нур текширув семиотикаси. Ўпка тўқимасининг деструктив ўзгаришлари эрта ёшдаги, асосан 3 ёшгача болаларда учради. Ўпка деструкциясида аниқланган нур текширув топилмалари 4-жадвалда келтирилган.

Ўпка деструкциялари зарарланган ўпка сегментига мос равишда рентгенологик нотўғри шаклли қорайиш кўринишида эди. Яққол ифодаланган яллиғланиш инфильтрациясида зарарланиш соҳасида томир тасвири кўринмади ҳамда зарарланган соҳа ўрнида ўпка илдизи структураси фарқланмади.

Ўпкадаги яққа ўчоқлар ва инфильтратлар комплекс эхографияда 42 (60,9%) ҳолатда, 30 (43,5%) ($p<0,001$) ҳолатда рақамли рентгенографияда, 14 (62,1%) ҳолатда МСКТда ва 9 (40,9%) ҳолатда МРТда аниқланди. 61 (88,4%) беморларда зарарланиш бир ўпкада, 8 (11,6%) беморда иккала ўпкада аниқланди.


Комплекс эхографияда бронхиал дарахт билан боғланмаган кичик деструкция ўчоқлари (асосан субплеврал локализация) 30 (43,5%) та беморда бўлиб, деструктив ўзгаришлар бўлган барча беморлардан 11 (15,9%) ҳолатда рентгенологик визуализацияланди (1-расмга қаралсин).

Комплекс нур текширувлари маълумотларига кўра деструктив зотилжам бўлган болаларда ўпка тўқимаси зарарланиш тавсифи (n=69)

Зарарланиш тавсифи	Рақамли рентгенография (n=69)		Комплекс эхография (n=69)		МРТ (n=22)		МСКТ (n=25)	
	№	%	№	%	№	%	№	%
Якка ўчоқлар ва инфильтратлар	30	43,5	42	60,9***	9	40,9	14	56,0
Деструкциянинг майда ўчоқлари (асосан субплеврал жойлашув)	11	15,9	28	40,6*	6	27,3	9	36,0***
«Ҳаволи бронхограмма» белгиси	17	24,6	34	49,3**	13	52*	15	68,2***
Ўпка тўқимаси зичлашиш фонида деструкциянинг «курук» бўшлиқлари	13	18,8	43	62,3*	5	22,7^	7	28,0^
Юмалоқ ва нотўғри шаклдаги кўп сонли деструкция ўчоқлари	16	23,2	38	55,1*	10	45,5	14	56,0**
Ўчоқли-кўшилган хусусиятли инфильтрация	24	34,8	40	58,0**	10	45,5	16	64,0***
Ўпка тўқимаси зичлашиш зонаси	53	76,8	56	81,2	17	77,3	21	84,0
Илдизолди инфильтрация	27	39,1	12	17,4**	15	68,2***^	19	76,0*^
Костал плевры қалинлашиши	4	5,8	58	84,1*	4	18,2^	6	24,0***^
Плеврал бўшлиқда суюқлик	10	14,5	18	26,1	3	13,6	8	32,0

Изоҳ: РРга нисбатан фарқлар аниқлиги*-P<0.001; **-P<0.005; ***-P<0.05; КЭга нисбатан фарқлар аниқлиги^-P<0.001.

Ўпка деструкцияси бўлган бемор болаларда эхография, рентгенография, МСКТ ва МРТ натижаларининг таҳлилида ўпка тўқимаси зарарланишининг асосий белгилари кўплаб ҳаволи бўшлиқли ҳосилалар бўлиб, кўпчилиги зичлашиш соҳалари ва ўпка тўқимасининг инфильтрацияси фонида «ҳаволи бронхограммалар» симптоми билан аниқланди.




**1-расм. Бемор С., 1,8 ёш. Ўпка тўқимаси деструкцияси бошланиши.
 А. Ўпкада субплеврал жойлашган бирлашувчи пневмоник ўчоқлар.
 Б. Ўпканинг бирлашувчи пневмоник ўчоқларида бошланаётган деструкция.**

Ўпка тўқимасининг «ҳаволи бронхограммалар» симптоми билан инфильтрацияси фонида девори йўқ, ўлчамлари 0,3 дан 0,8 смгача бўлган кенгайган буллалар типида кўплаб ҳаволи бўшлиқлар рақамли рентгенографияга нисбатан солиштирилганда комплекс эхографияда 34 (49,3%) ($p < 0,005$), МРТ да 15 (68,2%) ($p < 0,001$) ҳолатда ва 13 (52,0%) ($p < 0,05$) ҳолатда МСКТда аниқланди. Деструкция соҳасида шаклланувчи кўплаб бўшлиқлар ўзида суюқлик тутмаган эди.

Кўп ҳолларда ўпка деструкциялари зичлашиш ўчоқлари ва кўплаб парчаланиш ўчоқлари фонидаги деструкция ўчоқлари кўринишида бир ўпканинг зарарланиши билан кечди. Юмалоқ ва нотўғри шаклли кўплаб деструкция ўчоқлари стандарт рентгенография ўтказилганда 16 (23,2%) болаларда, 10 (45,5%) ҳолатда МРТ текширувида, ҳамда энг информатив булиб 38 (55,1%) ҳолатда комплекс эхографияда кузатилди ($p < 0,005$). Кўплаб майда деструкция ўчоқлари шу гуруҳ болаларининг ярмидан кўпида 39 (56,5%) кузатувда аниқланди. Кўрсатилган соҳаларда томир тасвири ва ҳаволи бронхограмма феномени аниқланмади. Бола азробронхофониясида ўпка паренхимасида деструкция ва инфильтрация зоналарида милтилловчи артефакт аниқланмади.

Яллиғланиш жараёнининг кечишининг оқибати яхши бўлиб, ўпка паренхимасининг деструкция ўчоқлари ўз-ўзидан жарроҳлик аралашувини талаб этмади, репарация жараёни кўп микдорда инфузион ва кўплаб анитибиотиклар билан даволаш фонида кечди. Бироқ, бу гуруҳдаги кўпчилик болаларда санацион жараённи талаб этувчи плеврал асоратлар ҳам кузатилди (2-расмга қаранг).



3-расм. Бемор Ш., 1,4 ёш. Ўнг ўпкада ўпка деструкцияси: А) рентгенограммада ўнг ўпканинг юқори бўлаги соҳасида бўлаклараро эгат билан ажралган ногомоген инфильтратив қорайиш аниқланмоқда; Б) эхограммада бир жинсли бўлмаган гипо- ва анэхоген соҳалар аниқланмоқда; В) фронтал кесим Т2 (0,35 Т) инфильтрация ўчоқлари аниқланмоқда; Г) компьютер томографияда ўнг ўпканинг юқори бўлагида кўплаб полиморф деструкция ўчоқлари бўшлиқлари бўлган кенг зичлашиш (+28-+36НУ) соҳаси аниқланмоқда.

Болаларда ўпка абсцессидда ўпка тўқимаси ўзгаришларининг нур семиотикаси. Болаларда ЎА шаклланиши жараёнининг эрта босқичида ўпка тўқимасининг массив зичлашиши 3 (33,3%) ҳолатда рентгенографияда, комплекс эхография, МСКТ ва МРТда бир хил кўрсаткич 4 (44,4%) ҳолларда аниқланиб, лекин статистик ишончли фарқ кузатилмади. Кўп ҳолларда инфильтрат ўпка тўқимасининг периферик қисмларида бўлиб, костал плеврага ёндошган бўлиб кўринди, ушбу ҳолларда комплекс эхография энг информатив бўлиб ҳисобланди ($p < 0,005$). Болаларда ўпка абсцессидда аниқланган нур белгилари 5-жадвалда келтирилган.

Ўпка абсцесси ривожланишининг кейинги босқичида инфильтрат марказида зичлик пасайиши 1 (11,1%) та болада рақамли рентгенография, 2 (22,2%) та болада комплекс эхографияда, 5 (55,6%) ($p < 0,05$) тада МРТда ва 2 (22,2%) та болада МСКТда кузатилди. Кейинчалик, инфильтрат тўқимасининг эриши оқибатида марказидаги зичлик пасайиб суюқлик пайдо бўлиши аниқланди. Суюқлик абсцесс ҳажмининг деярли бутун ҳажмини эгаллаб, рентгенологик текширувда 1 (11,1%) та болада, комплекс эхографияда 8 (88,9%) та болада, МРТда 7 (77,8%) болада ва МСКТда 8 беморда ($88,9\% >$) ($p < 0,05$). 2 беморда (22,2%) рентгенограмма ва

эхотомограммада кузатилмаган бўлақлараро плевра осилиши белгиси МСКТ ва МРТда ($p < 0,001$)да аниқланди.

5-жадвал

Болаларда ўпка абсцессиди учровчи нур текширув белгилари частотаси (n=9)

Зарарланиш тавсифи	Рақамли рентгенография		Комплекс эхография		МРТ		МСКТ	
	№	%	№	%	№	%	№	%
I. Ўпка тўқимасида инфилтратив ўчоклар								
Зич инфилтратив ўчок	3	33,3	4	44,4	4	44,4	4	44,4
Маркази паст зичликда бўлган инфилтратив ўчок	1	11,1	2	22,2	5	55,6***	2	22,2
II. Ўпка тўқимасида дренажловчи бронхга очилган деструкция бўшлиғи шаклланиши								
Инфилтратив тўқиманинг эриши ҳисобига суюқлик тутувчи бўшлиқ ҳосил бўлиши	1	11,1	6	66,7*	7	77,8**	8	88,9*
III. Абсцесс ҳосил бўлиши								
Нотекис калинлашган деворли ҳаволи бўшлиқ	7	77,8	3	33,3***	8	88,9^^	8	88,9^^
Абсцесс бўшлиғи атрофида яллиғланиш инфилтрацияси	4	44,4	4	44,4	8	88,9***^	8	88,9***^
IV. Ўпка абсцесси оқибати								
Нотекис контурли чандиқ шаклланиши	1	11,1	1	11,1	1	11,1	1	11,1
Ҳаволи қолдиқ бўшлиқ шаклланиши	1	11,1	3	33,3	1	11,1	4	44,4

Эслатма: РРга нисбатан фарқлар аниқлиги***- $P < 0,05$; **- $P < 0,002$; *- $P < 0,001$; КЭга нисбатан фарқлар аниқлиги ^^^- $P < 0,05$; ^^^- $P < 0,002$; ^- $P < 0,001$.

Бизнинг текширувларда рақамли рентгенографияга нисбатан МРТда кўпроқ ишончли ($p < 0,05$) инфилтрация фазасидаги абсцесс бўшлиқлари аниқланди. Бу эса рақамли рентгенография йирик бўшлиқ ва абсцессларни аниқлаши, аммо сезиларли бўлмаган ўзгаришларни аниқлай олмаслик мумкинлигини кўрсатиб берди. Бу натижалар аввалги текширувларни маъқуллаган ҳолда ўпка абсцесси ва некроз ҳосил бўлишида МРТ рақамли рентгенографиядан устунлигини қўшимча равишда исботлайди. Ушбу гуруҳ

беморларга референс усул сифатида МРТ хулосаларини тасдиқлаш мақсадида МСКТ усули қўлланилди.

Морфологик топилмалар оғирлик даражаси бошланғич ва кейинги ҳолатлардаги МРТда самарали баҳоланган бўлиб, рентгенографияда тўлиқ баҳоланмаган. Плевралараро тўқималар ҳам МРТда яхшироқ визуализацияланади, бу эса янада юқори ташхис аниқлигини кўрсатди.

Абсцессни аниқлашда қўшимча УТТ текширувини тадбиқ этиш патологик ўчоқни динамик кузатувини яхшилади ($P < 0,05$) (3-расмга қаралсин).



3-расм. Бемор А., 3,2 ёш. Кукрак қафаси рентгенограммасида қорайиш ўчоқ аниқланмоқда (а) УТТда (б) абсцесс гипоехоген соҳа кўринишида кузатилди, Т2-мувозанатли МРТда (в) ўнг ўпканинг ўрта бўлагиди, фақат соя бўлиб кўринган консолидация босқичидаги абсцесс аниқланмоқда.


Бироқ, абсцесс визуализацияси МРТда юқори бўлиб, фарқ катта бўлмаганлиги аниқланди. Бунинг сабабали, УТТда патологик ўчоқни аниқлаш учун консолидация ўчоғи субплеврал жойлашган ва қовурғалар оралиғида жойлашиши керак эди.

Рақамли рентгенография ва УТТнинг мультимодал комбинацияси консолидациялар кесимида периферик абсцессларга юқори сезгирликка эга, бунда ўпканинг марказий қисмлари ва катта консолидациясиз абсцесслар қийин баҳоланиши мумкин. МРТда абсцесс девори одатда суюқликка нисбатан гипоинтенсив кўринади, абсцесс ҳосиласи марказида изоинтенсив марказга эга бўлиб, Т2-мувозанатли тасвирда аниқ идентификацияланган.

Ўпка абсцесси ҳосил бўлиши ташхисининг клиник асоси муҳим аҳамиятга эга, чунки у интенсив терапия бўлимига тушишнинг юқори частотаси билан боғлиқ, шунингдек, одатда жаррохдик аралашувларини талаб этувчи бронхоплеврал оқмалар пайдо бўлиш хавфи мавжуд. Аниқланишидан ташқари, консерватив терапияда даволанишга жавобни ишончли баҳолаш муҳим. Бундан ташқари, бизнинг маълумотлар шуни кўрсатдики, кейинги кузатувларда МРТ ва рақамли рентгенография учун венаичи контрасти зарурий бўлмай, даволанишга жавобан РР МРТ билан таққосланиши мумкинлигини кўрсатади.

Бироқ, абсцесс ўлчамлари камайганда МРТнинг сезувчанлиги 83,3%дан 66,7%га пасайди, РРда у ўзгармади, бу эса абсцесс ўлчамларининг

кичрайишида РР бўйича уни баҳолаш борган сари қийинлашишини билдиради (4-расмга қаранг).



4-расм. T2-мувозанатли текширувни рентгенография ва УТТ билан қиёслаш. Бемор К., 11ёш. Нур текширув усуллари қиёсланганда МРТ ўнг пастки бўлакда ривожланиш босқичидаги абсцесс бўшлиғини кўрсатмоқда (кўрсаткич). Атроф яялиғланиш ўзгаришлари даво таъсирида регрессияланган, бунда абсцесс ўчоғи кейинги кузатувда катталашиб борди (кўрсаткич), аммо абсцесс рентгенографияда аниқланмади (кўрсаткичлар). Бундан ташқари, ушбу текширувда патологик ўзгаришлар тарқалиши етарлича баҳоланмади. Эхографияда инфильтрацияли патологик ўчоқ ва атроф тўқималарда қон оқими кучайиши аниқланди.

Бу клиник мисоллар зотилжам асорати бўлган болаларда абсцессни аниқлаш ишончилиги тўғрисида гувоҳлик беради, бунда МРТ энг кўп сезгирликка эга.

Ўпка тўқимаси инфильтратив (консолидация) фазасида йирик ўчоқли деструкция шаклланишида МРТ ва МСКТ энг кўп информативликка эга. Ўпка майдонларида зичлашишнинг тарқалишида МРТ ва РР бир-биридан кўп фарқланмади, шу билан бирга консолидациянинг оғирлик даражаси МРТда юқорироқ баҳоланди. Инфильтрациянинг тарқалиши кейинги кузатувлардаги МРТда ўзгармади, РРда эса 25%га пасайди.

